



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **24** yil « **10** » **yanvar**

№ **19**

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ижтимоий соҳа ходимларининг ҳар ойлик иш ҳақиға қўшимча устамалар белгиланадиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатларини янада кенгайтиришға қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш, ҳуқуқий мақомини белгилаш ва обрўсини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалға оширилмоқда.

Республикаимизнинг олис ва чекка ҳудудларида фаолият юритаётган ижтимоий соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш учун устамалар бериш тизими жорий қилинган ҳудудлар рўйхатларини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловаға мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларға махсус устама белгиланадиган ҳудудлар рўйхатига Фарғона туманининг “Ҳосилот” ҳамда Риштон туманининг “Чўнғара” маҳалла фуқаролар йиғинларини ва Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманидаги айрим ҳудудларни киритиш;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақиға қўшимча ҳар ойлик устама тўланадиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатига Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманидаги айрим ҳудудларни киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2024 йил 1 июнға қадар** умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларға махсус устама белгиланадиган ҳудудлар рўйхатларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “10” январдаги 19 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарорида:

1) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 1-иловада:

а) 4. “Қашқадарё вилояти” графаси:

“Чироқчи тумани” позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ Чироқчи тумани	“Лангар” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Тарағай” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Қуруқсой” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Янгиҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Қўшанхор” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Пахталисой” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Шўрқудук” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Галабек” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	”;

қуйидаги мазмундаги “Кўкдала тумани” позицияси билан тўлдирилсин:

“ Кўкдала тумани	“Талоктепа” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Умакай” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Айритом” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Эски Анҳор” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Ҳардури” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Қаноатли” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Чорвадор” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Тошли” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Шўрбозор” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	“Хушали” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
	”;

б) “11. Фарғона вилояти” графаси:

“Махсус устама белгиланаётган худуд” устунисидаги “Қўрғонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) позициясидан сўнг қуйидаги мазмундаги позиция билан тўлдирилсин:

“

“Ҳосилот” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
--

 ”;

қуйидаги мазмундаги позиция билан тўлдирилсин:

“

Риштон тумани	“Чўнғара” маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ)
---------------	--

 ”;

в) изоҳ қисми чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 510-сон қарори билан тасдиқланган Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақиға қўшимча ҳар ойлик устама тўланадиган олис ва чекка худудлар рўйхатида:

а) “4. Қашқадарё вилояти” графасининг 83–90 позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	83.	Чироқчи тумани	“Мирзатуп” МФЙ	”;
	84.		“Араббанди” МФЙ	
	85.		“Чамбил” МФЙ	
	86.	Кўкдала тумани	“Эски анҳор” МФЙ	
	87.		“Шўркудук” МФЙ	
	88.		“Чорвадор” МФЙ	
	89.		“Шўрбозор” МФЙ	
	90.		“Тулистон” МФЙ	

б) изоҳ қисми чиқариб ташлансин.

